



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ФРАКЦИЯСИНING РАСМИЙ БАЁНОТИ



Янги тахрирдаги Конституциямизда Ўзбекистон ўзини суверен, демократик, ҳуқуқий ва дунёвий давлат билан бир қаторда ижтимоий давлат, деб эълон қилди. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, шу жумладан, ижтимоий ҳуқуқларни таъминлаш борасида мутлақо янги механизмлар жорий этилди.

Партиямиз ижтимоий ҳимоя тизими кафолатларининг Конституция даражасида мустақамланишини тарихий

ютуқ сифатида баҳолайди.

Бу шубҳасиз, Халқ демократик партиясининг мамлакатда ижтимоий адолат, тенглик ва ижтимоий бирдамлик мезонларига мос келадиган демократик ижтимоий давлат барпо этиш мақсадлари билан чамбарчас мувофиқ эканлигини эътироф этади.

► (Давоми 2-бетда)



15 МАЙ – ХАЛҚАРО ОИЛА КУНИ

## ҲАЁТНИНГ БЕБАҲО МАКТАБИ

Бугун дунё ўзгармоқда, авлодлар алмашинувиға мос равишда қарашлар, тутумлар, яшаш мезонлари ҳам янги маъно-мазмун касб этиб борапти. Иқтисодий, сиёсий, ижтимоий-маънавий, табиий-экологик омил ва таҳдидлар инсонлар руҳиятида ўзгаришлар содир этмоқда. Худди шундай, оила ва оилавий қадриятларга бўлган муносабатда ҳам бундай силсилани кузатиш мумкин. Айни пайтда кўплаб ривожланган давлатларда кузатилаётган демографик таназзулнинг бир уч оила аталмиш жамиятнинг муҳим бўғинига нисбатан инсонлардаги, айниқса, ёшлардаги беписанд ёндашувга бориб тақалмоқда, десак янглишмаймиз.

► (Давоми 5-бетда)

### СИЁСИЙ ПУЛЬС: МУНОСАБАТ

## ТИББИЙ ХИЗМАТДА ЯНГИ СИФАТ ЎЗГАРИШЛАРИ

Шундай соҳалар борки, уларда рўй берадиган кичкина ўзгариш ҳам ҳеч биримизни бефарқ қолдирмайди. Ҳар бир янгилик, ҳар бир ташаббусда, энг аввало, халқ манфаати устуворлик касб этади. Давлатнинг ижтимоийлик даражаси, жамиятнинг инсонпарварлиги ўша соҳалар ривожда яққол намоён бўлади. Соғлиқни сақлаш шулар жумласидан.



► (Давоми 3-бетда)



## МАҚСАД — ИСТИҚБОЛЛИ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ

Мамлакатлар тараққиётини белгиловчи омиллар жуда кўп. Шундай омилларнинг энг асосийларидан бири – илм-фаннинг ривожланганлик даражасидир. Илм инсонни, инсон жамиятни юксалтиради, ҳаётни фаровонлаштиради.

Утган оғир ва машаққатли йиллар ҳар томонлама етуқ ва юксак малакага эга мутахассислар авлодини шакллантирмасдан, буюк келажакни қуриш мумкин эмаслигини тасдиқлади.

► (Давоми 3-бетда)

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ФРАКЦИЯСИНИНГ РАСМИЙ БАЁНОТИ



## ► (Давоми. Боши 1-бетда)

Сўл қанот партия сифатида фаолиятимиз давомида ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларнинг ҳаётий эҳтиёжлари билан боглиқ масалаларни ҳал этиш, ижтимоий тафавутларни камайтириш, муҳтожларга ёрдам бериш, аҳолини кафолатли даромад манбаи билан таъминлаш бўйича чоралар кўришда фаол қатнашиб келмоқдамиз.

Қонунчилик палатаси фаолиятини чуқур таҳлил қилиш, унинг ишини кузатиш ва ҳолис баҳолаш ҳамда электорат фикрини инobatга олган ҳолда партия ўтган даврдаги фаолияти натижалари, сайловолди платформаси ва ҳукумат дастури йўналишлари таҳлили асосида ўз сиёсий позициясини шакллантирди.

Ўнг партиялар ўз дастурий мақсад ва вазифаларининг яқинлигидан келиб чиққан ҳолда парламентдаги кўпчилик – “Тараққиёт блоки”ни тузиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Биз мазкур блокнинг тузилишига эътироз билдирмаган ҳолда унинг устувор вазифалари, шунингдек, ҳукумат дастури ва фаолиятининг айрим йўналишларига қўшила олмаймиз.

Хусусан:

- иқтисодиётда давлат иштироки, стратегик аҳамиятга эга компаниялар устидан давлат назоратини сақлаб қолишга эътиборнинг камлиги, уларни хусусийлаштириш қонун даражасида тақиқланмаганлиги;
- рақобатбардош ва бозор механизмлари орқали бошқариладиган пенсия тизимига ўтиш заруриятининг мавжудлиги

- коммунал тўловлари (газ, электр ва бошқалар) масаласида ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлашнинг истикболга мўлжалланган аниқ стратегияси ишлаб чиқилмаганлиги;
- улушдорлик асосида уй-жой қуриш бўйича фуқаролар улушларини ҳимоя қилиш ва кафолатлаш тизимининг ҳанузга қадар яратилмаганлиги;
- аҳолининг даромадига қараб табақалаштирилган солиқ тизими жорий этилмаганлиги (кўп маблағ топган, кўп тўлаши лозим тамойилини қўллаш керак), шу жумладан, қимматбаҳо мол-мулк учун солиқнинг (ҳашамат солиғи) жорий этилмаганлиги;

- фармацевтика соҳасида давлат назорати сустигли, маҳаллий ва хорижий дори воситалари учун энг юқори чекланган нархлар белгиланмаганлиги, шу жумладан, дори воситаларининг рекламаси тақиқланмаганлиги каби бир қатор масалалар партиямиз электорати манфаатларига зид, деб ҳисоблаймиз.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида бошқа сўл партиялар, социал-демократия ғоялари тарафдорлари билан биргаликда ташаббус қилинган парламентдаги муҳолифатнинг кафолатланган ҳуқуқларини кенгайтиришга қаратилган қонун лойиҳаси қабул қилинди.

Мазкур қонун ўзини парламентдаги муҳолифат деб эълон қилган сиёсий партия фракцияси учун кенгайтирилаётган ҳуқуқ ва имкониятлардан тўлақонли фойдаланишни кафолатлайди.

Қонунчиликка мувофиқ ҳукуматнинг тутган йўли ва дастурига ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмайдиган сиёсий партиялар фракциялари ўзларини муҳолифат деб эълон қилиши мумкин.

# “

ЎНГ ПАРТИЯЛАР ЎЗ  
ДАСТУРИЙ МАҚСАД  
ВА ВАЗИФАЛАРИНИНГ  
ЯҚИНЛИГИДАН КЕЛИБ  
ЧИҚҚАН ҲОЛДА  
ПАРЛАМЕНТДАГИ КЎПЧИЛИК  
– “ТАРАҚҚИЁТ БЛОКИ”НИ  
ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА ҚАРОР  
ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР. БИЗ  
МАЗКУР БЛОКНИНГ  
ТУЗИЛИШИГА ЭЪТИРОЗ  
БИЛДИРМАГАН ҲОЛДА УНИНГ  
УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ,  
ШУНИНГДЕК, ҲУКУМАТ  
ДАСТУРИ ВА ФАОЛИЯТИНИНГ  
АЙРИМ ЙЎНАЛИШЛАРИГА  
ҚЎШИЛА ОЛМАЙМИЗ.

Шу боис, партиямиз электорати овозини парламент ва ҳукуматга етказиш, уларнинг манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, мамлакатда кучли ижтимоий сиёсат юритишни давом эттириш учун Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Халқ демократик партияси фракцияси ўзини парламентдаги муҳолифат фракцияси, деб эълон қилади.

Парламентдаги муҳолифат фракцияси сифатида қуйидаги вазифаларни амалга оширишни муҳим деб ҳисоблаймиз:

- қонун лойиҳалари ва парламент муҳокамасидаги долзарб масалалар бўйича ўз сайловолди дастуримиз мақсадларидан келиб чиққан ҳолда қатъий сиёсий позициямизни билдириб бориш;

- ҳукумат ва парламентдаги кўпчиликнинг таклиф ҳамда ташаббусларини танқидий кўриб бориш, улар юзасидан ўз муносабатларимизни билдириб бориш;

- ҳукумат ва парламентдаги кўпчилик томонидан парламентга киритилган қонун лойиҳалари бўйича зарур деб кўрилган ҳолда муқобил қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва киритиб бориш;
- иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича ҳукумат ҳаракат дастури ижросини танқидий баҳолаш ва ўз нуқтаи назаримизни билдириш;

- парламент назорати воситаларидан самарали фойдаланиш, шу жумладан, қабул қилинган қонунларнинг ҳукумат томонидан сўзсиз ижро этилиши, қонун лойиҳаларининг парламентга ўз вақтида ва сифатли киритилиши, қонунлар ижроси учун зарур бўлган қонун ости ҳужжатларининг ўз вақтида қабул қилинишини таъминлаш устидан таъсирчан назорат олиб бориш.

Биз, Халқ демократик партияси фракцияси ижтимоий ҳимоя, ижтимоий тенглик ва ижтимоий бирдамлик тамойилларини юзага чиқариш орқали Ўзбекистон ижтимоий давлат тамойилини амалга оширишда сайловчиларимиз манфаатларини биринчи ўринга қўямиз ва мамлакатнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳамда аҳолимиз фаровонлигини таъминлаш йўлида барча саъй-ҳаракатларимизни бундан буён ҳам сафарбар қилишда давом этамиз.



## Фирдавс ШАРИПОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Бугун социал-демократия ғоялари тарафдорлари бўлган сўл партияларнинг биргаликдаги ташаббуслари билан парламентдаги муҳолифатнинг кафолатланган ҳуқуқларини кенгайтиришга қаратилган қонун қабул қилинди.

Мазкур қонун ўзини парламентдаги муҳолифат деб эълон қилган сиёсий партия фракцияси учун кенгайтирилаётган ҳуқуқ ва имкониятлардан тўлақонли



## Қизилгул ҚОСИМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Партиямиз мамлакатда ижтимоий адолат, тенглик ва ижтимоий бирдамлик мезонларига мос келадиган демократик ижтимоий давлат барпо этишни ўз бош мақсади, деб билади. Яқинда ЎзЛиДеП ва “Миллий



## Анваржон НУРМАТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Дунё парламентларида кейинги вақтларда бир тенденция яққол кўзга ташланмоқда. Ўнг ва сўл партиялар ўртасидаги ғоя ва таклифлар кураши кескинлашмоқда.

Парламентимизда ҳам депутатлар, партиялар фракциялари ўртасидаги баҳс-мунозаралар, фикрлар хилма-хиллиги ва турли қарашлар тўқнашуви тобора фаоллашиб бормоқда.



## Дилбар МАМАДЖАНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Халқ демократик партияси сўл партия сифатида ҳар бир қонун лойиҳасини ижтимоий ҳимоя, ҳуқуқлар ва имкониятлар тенглиги нуқтаи назаридан кўриб чиқиб, ўз таклифларини билдириб келмоқда. Афсуски, бизнинг позициямизни бошқа ўнг партиялар фракциялари

фойдаланишни кафолатлайди. Хусусан, қонунга асосан парламентдаги муҳолифатнинг кафолатланган ҳуқуқлари сони 3 тадан 6 тага ошди.

Шу боис партиямиз электорати овозини парламент ва ҳукуматга етказиш, уларнинг манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, мамлакатда кучли ижтимоий сиёсат юритишни давом эттириш учун Қонунчилик палатасидаги Халқ демократик партияси фракцияси ўзини парламентдаги муҳолифат фракцияси деб эълон қилди.

Қуни кеча икки ўнг партиянинг “Тараққиёт блоки”га бирлашиши парламентдаги мавжуд кучлар мувозанатини бузган эди. Блок томонидан эълон қилинган дастурий устуворликлар, мақсад ва вазифалар биз социал-демократия ғояларини илгари сурувчи партиянинг дастурий мақсадларига тўғри келмайди.

Биз, парламентдаги муҳолифат фракцияси сифатида қонун лойиҳаларини танқидий кўриб чиқиш, муқобил таклифлар киритиш ва ҳукумат фаолияти устидан парламент назоратини кучайтириш каби янги ваколатларга эга бўлдик.

Бу бизга мамлакатнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳамда аҳолимиз фаровонлигини таъминлаш борасидаги дастурий мақсадларимизни янада кенгрок ифода этишга замин яратади.

тиклиниш” ДП томонидан “Тараққиёт блоки” тузилди.

Биз бу блок ва ҳукумат дастури ва фаолиятининг айрим йўналишларига қўшилмаймиз.

Биз партиямизнинг дастурий мақсад ва вазифалари, сиёсий қарашлари ҳамда социал-демократия ғояларидан келиб чиқиб, “Тараққиёт блоки” ва ҳукумат дастуридаги бир қатор масалаларни партиямиз электорати манфаатларига зид, деб ҳисоблаймиз.

Хусусан, фармацевтика соҳасида давлат назоратининг сустигли, маҳаллий ва хорижий дори воситалари учун энг юқори чекланган нархлар белгиланмаганлиги, шунингдек, дори воситалари рекламасининг тақиқланмаганлиги партиямиз электорати манфаатларини тўлиқ ифода этмайди.

Биз бу масалада парламентдаги кўпчилик ва ҳукумат керакли чораларни кўриши зарур, деб ҳисоблаймиз. Бу масалани ҳал қилишда келгусида қонунчиликда берилган ҳуқуқлар ва парламент назорати воситаларидан самарали фойдаланишни мақсад қилганмиз.

Хусусан, блокнинг иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича ҳукумат дастурини тўлиқ қўллаб-қувватлаши, иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш, хусусий сектор иштирокини кенгайтириш каби кескин либераллаштириш сиёсати бизнинг дастурий мақсадларимизга тўғри келмайди.

Биз сўл қанот партия сифатида ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларнинг ҳаётий эҳтиёжлари билан боглиқ масалаларни ҳал этиш, ижтимоий тафавутларни камайтириш, муҳтожларга ёрдам бериш, аҳолини кафолатли даромад манбаи билан таъминлаш бўйича зарур чоралар кўришни лозим, деб ҳисоблаймиз.

Хусусан, пенсия тизимини замон билан ҳамнафас ислоҳ қилиш, коммунал тўловлари масаласида ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлаш, фуқароларни уй-жой билан таъминлаш ва уларнинг маблағларини ҳимоя қилиш олдимизда турган долзарб вазифалардир.

Биз ушбу масалаларда ҳукумат ҳаракат дастури ижросини танқидий баҳолаймиз ва ўз нуқтаи назаримизни, албатта билдириб борамиз, қонунчиликда берилган ҳуқуқлардан фойдаланган ҳолда муқобил қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этишни мақсад қилганмиз.

доим ҳам қўллаб-қувватламайди. Яқинда ўтказилган таҳлилларимиз шунини кўрсатдики, 8 та қонун лойиҳаси бўйича киритган 20 дан ортиқ таклифимиз етарли эътиборга олинмаган. Шунингдек, қонун лойиҳалари юзасидан кўтарган муҳим саволларимиз ҳам жавобсиз қолиб келмоқда.

Бугун қабул қилинган, парламентдаги муҳолиф фракцияларга қўшимча ҳуқуқлар берувчи қонун лойиҳаси айнан шу масалаларни ҳал этишга ёрдам беради. Эндиликда фракциямиз парламентдаги муҳолифат фракцияси сифатида қонун лойиҳасининг иккинчи ўқишигача муқобил тахририни киритиш ҳуқуқига эга ҳам бўлади. Бу ҳуқуқ электоратимиз манфаатларини тўлақонли ифода этиш имконини беради.

Бизнинг блок ва ҳукумат дастурига қарама-қарши позицияда туришимиз парламентда соғлом сиёсий рақобат, баҳс-мунозара, фикрлар хилма-хиллиги ва турли қарашлар тўқнашувини юзага келтиради. Бу эса қонун ижодкорлиги сифатини оширишга, пухта ва халқ манфаатларига мос қарорлар қабул қилинишига хизмат қилади, деб ўйлайман.

СИЁСИЙ ПУЛЬС: МУНОСАБАТ

# ТИББИЙ ХИЗМАТДА ЯНГИ СИФАТ ЎЗГАРИШЛАРИ

Шундай соҳалар борки, уларда рўй берадиган кичкина ўзгариш ҳам ҳеч биримизни бефарқ қолдирмайди. Ҳар бир янгилик, ҳар бир ташаббусда, энг аввало, халқ манфаати устуворлик касб этади. Давлатнинг ижтимоийлик даражаси, жамиятнинг инсонпарварлиги ўша соҳалар ривожига яққол намоён бўлади. Соғлиқни сақлаш шулар жумласидан.

Мамлакатимизда сифатли ва замонавий тиббий хизматни аҳолига яқинлаштириш мақсадида соғлиқни сақлашни трансформация қилиш жараёни тобора жадал суръатга кирмоқда. Сўнгги етти йилда соҳадаги ислохотлар учун бюджетдан ажратилаётган маблағ олти карра оширилди. Худудлардаги шифохоналар моддий-техник жиҳатдан янгиланди. Ҳозирга қадар тизимнинг бирламчи бўғинида ўнга яқин турдаги скрининг текширувлари йўлга қўйилгани, ихтисослашган тиббий хизматда диагностика усуллари 500 тадан, даволаш усуллари эса 800 тадан ошгани, илгари фақат пойтахтда бажарилган 400 дан ортиқ юқори технологик амалиёт вилоят ва туманларда ўтказилаётгани бунинг ёрқин натижаси.

Дарҳақиқат, бугунги кунда бирламчи бўғинда профилактика ҳамда ташхис қўйиш, даволаш ишлари мутлақо янги ёндашувлар асосида ривожланиб бораётир. Бирламчи тиббий хизматнинг давр талабларига мос равишда яхшиланиши ихтисослашган тиббиёт марказларига ва стационарларга муружаатларнинг, тез тиббий ёрдамга чакриқларнинг сезиларли камайишига олиб келади. Одамларнинг бирламчи бўғинга ишончи, интилиши ортади.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 7 май куни тиббиётнинг бирламчи бўғини ва ихтисослашган муассасаларда хизматлар сифатини ошириш, шунингдек, дори истеъмолини тартибга солиш ҳамда тиббий таълимни такомиллаштириш бўйича устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида соҳадаги ютуқлар билан бир қаторда мавжуд муаммоларга кенг урғу берилди. Уларнинг ечими ўлароқ ҳаётий тақлифлар илгари сурилди.

Айтиб ўтилганидек, юртимизда ҳар ўн минг аҳолига 29 нафар шифокор тўғри келади. Бу рақам АҚШ, Буюк Британия, Финляндиядаги билан бир хил, Туркия ва Канададагидан эса кўп. Лекин иш самарадорлиги, даволаш сифати ҳақида мақтаниб бўлмаслиги ҳам бор гап. Масалан, маҳаллада бирламчи бўғин тўғри ишлагани учун туманларда касалланиш ва уларнинг оғир асоратлари камаймаяпти. Юқумли бўлмаган касалликлар мамлакатимиз иқтисодиётига ҳар йили 1 миллиард доллар атрофида зарар келтирляпти.

Тез тиббий ёрдамдаги жами чақирувларнинг тўртдан бири сурункали касаллиги бор беморларга тўғри келаётир. Вилоят ва туман шифохоналарида ходимлар сони, ўринлар, маблағлар тўғри тақсимланмаган.

“Тиббий сўғурта” тизимини жорий қилиш йилдан-йилга сурилиб келаётгани, шифо масканларида навбат ва хизматларни

рақамлаштириш ҳам тўлиқ ишга тушмагани таассуфли.

Танқидий-таҳлилий руҳда ўтган йиғилишда соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида иш сифатини яхшилаш, касалликларнинг олдини олиш, тиббиёт ходимларини тайёрлаш тизимини янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари муҳокама қилинди. Аҳоли қамрови, касалликлар тахлили ва муружаатлар туридан келиб чиқиб, янгича иш тартиби белгиланди.

Бунда бирламчи бўғин ислох қилиниб, тиббиёт бригадаси ҳамда унга бириктирилган аҳоли ўртасида икки томонлама шартнома тузилади. Аҳоли учун оилавий шифокорни эркин танлаш имконияти яратилади. Шифокор ва ҳамширалар фақат тўлиқ ставкада ишлайди. Поликлиникада акушер-гинекологлар сони 2 баробар кўпайтирилади. Ҳар 3 минг нафар бола учун биттадан педиатр штати янгидан қўшилади. Туманлардаги шифокорлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар фаолияти қамров жиҳатидан мақбуллаштирилади. Марказий поликлиника эса туман шифохонасининг маслаҳат-диагностика бўлимига айлантирилиб, тор соҳа мутахассислари шу ерда ишлайди.

Сир эмас, тиббиёт ходимларининг, айниқса, бирламчи бўғинда хизмат кўрсатаётганларнинг ойлик маоши камлиги ва бу уларнинг ишга бўлган иштиёқи ҳамда сифатига таъсир кўрсатиши ҳақида кўплаб эътирозлар қўлоққа қалинар эди. Энди бундай бўлмайди! Яъни, поликлиникаларда оилавий шифокорнинг базавий ойлик маоши 500 доллар, ҳамшираники 300 доллар эквиваленти миқдорида белгиланиши, агар улар малака сертификатини олса, изланса, сидқидилдан ишласа, яна шунча устама тўланиши маълум қилинди. Бирламчи бўғин шифокори ва ҳамширалари маҳаллада юриб, сурункали беморларни касаллик билан яшаш ва уни бошқаришга ўргатса, онкология, диабет, инсулт, инфаркт каби хасталикларни эрта аниқлаб, оғир асоратларнинг олдини олса, маоши янада ошади.

Борди-ю маҳаллада инфаркт, инсулт, оналар ва болаларнинг эрта ўлими, сурункали касаллик туфайли ортирилган ногиронлик бўлса, буларга фавқулудда ҳолат, деб қаралади. Табиийки, оилавий шифокор ва ҳамшираларнинг масъулияти ошишига туртки беради.

Йиғилишда ногиронлиқни белгилашда шифокорлик-маслаҳат комиссиялари деган коррупцион тизимдан тўлиқ воз кечилиши, бу иш оилавий шифокор расмийлаштирган ҳужжат асосида тиббий-ижтимоий экспертиза комиссияси томонидан амалга оширилиши қайд этилди.

Шунингдек, соҳа мутасаддилари ва вилоят ҳокимлигари “Тиббиётда 90 кунлик ўзгаришлар” дастури асосида шифо



масканларида кутиш жойлари ҳамда йўлакларни тартибга келтириш, тозалик ва маданиятни ошириш топириги берилди. Таълим ва барча ижтимоий муассасаларда “Тоза қўллар” дастури татбиқ этилиб, санитар-гигиена шароити яхшиланиши учун барча чоралар кўрилади.

Жамиятимиздаги оғриқли муаммолардан саналган болалар саратонига қарши курашиш бўйича беш йиллик дастур ишлаб чиқиши, бунга камида 110 млн доллар йўналтирилиши таъкидланди. Чунки, ўрганишларга кўра, юртимизда бундай касалликларнинг 75 фоизи сўнгги босқичларда аниқланаяпти. Оқибатда қанча болалар ёруғ оламни эрта тарк этишидек аянчли ҳолатлар кузатишмоқда.

**Муқаддас УРАЗАЛИЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:**

–Миллат генофондини сақлаш, халқимизнинг соғлом ва узок умр кечиришини таъминлаш мамлакатимиз ижтимоий сиёсатининг стратегик йўналишларидан бири. Бу йўлда соғлиқни сақлаш тизими тубдан такомиллаштирилмоқда. Ўтган ҳафтада айни мавзуда ташкил қилинган видеоселектор йиғилишида соҳани янада ривожлантириш, хусусан, бирламчи тиббий-санитария ёрдами хизматларида сифат ўзгаришларини амалга оширишга оид салмоқли тақлифлар билдирилди. Йиғилишда ҳам дори истеъмолини тартибга солиш масаласига ҳам диққат қаратилгани кўнгилдаги гап бўлди.

Ростдан ҳам, бу хозирги пайтда жамиятимизда тобора долзарб тус олаётган муаммо. Афсуски, халқимизнинг дори воситаларидан фойдаланиш маданиятини юқори даражада, деб мақтана олмаймиз.

Ривожланган давлатлар “далилларга асосланган тиббиёт”га таяниб, кенг миқёсда ўтказилган клиник тадқиқотлар орқали самарадорлиги ва хавфсизлиги аниқ дорилардан фойдаланади. Юртимизда эса самарадорлиги исботланмаган дориларнинг импортдаги улуши 42 фоиз экани айтилди. Шифокорлар уларни ҳамон тавсия этаётгани сабабли аҳоли истеъмол қилаётгани

ачинарли. Бундан халқимизнинг соғлиғи ҳам, чўнтағи ҳам зарар кўрмоқда.

Шу боис халқаро манбаларда “самарасиз ёки самараси ўрганилмаган” деб топилган воситаларни клиник протоколлардан чиқариш вазифаси қўйилди.

Барча тиббиёт муассасалари, биринчи навбатда, болалар шифохоналарида антибиотикларни асосли қўллаш бўйича тафтиш ўтказиш топириги берилди. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, мамлакатимизда эндиликда фармацевтика бозори қатъий тартибга солинади.

Йиғилишда тиббий таълим тизимидаги муаммолар тилга олинди. Зотан, бугун мазкур йўналишда олий таълимни тамомлаб, меҳнат бозорига кириб келаётган ёш кадрларга жамиятимизда умид ва ишонч ҳисси у қадар юқори эмас. Ва бунинг ўзига яраша сабаблари бор.

Маълумотларга кўра, сўнгги етти йилда тиббиёт йўналишларига қабул кўпайиб, йилига 25 минг талаба ўқишга кираяпти. Уларнинг 40 фоизи хусусий олийгоҳларда ўқимоқда. Лекин бу соҳада билим ва кўникмаларни баҳоловчи шаффоф тизим йўқлиги давлатимиз раҳбари томонидан танқид қилинди.

Муаммонинг ечими сифатида эндиликда тиббиёт олийгоҳлари ва техникум битирувчиларининг замонавий диагностика ва даволаш усулларини ўзлаштириши шаффоф тизим асосида алоҳида баҳоланадиган бўлди. Бунинг учун Тиббиёт соҳасини баҳолаш миллий маркази ташкил қилиниши, мазкур тизим ҳозирда ишляётган шифокор ва ҳамшираларга ҳам татбиқ этилиши соҳада фақат ва фақат билимли, тажрибали, масъулиятли ходимлар фаолият юритишига замин яратади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлашнинг рақобатбардошлигини ошириш, халқ саломатлиги йўлида залворли ҳамда шарафли вазифалар ижроси, сўзсиз, малакали тиббий кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишларини шу йўсунда такомиллаштириб боришни тақозо этади.

**Фарида МАҲҚАМОВА, “Ўзбекистон овози” муҳбири.**

## МАҚСАД — ИСТИҚБОЛЛИ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ

**Мамлакатлар тараққиётини белгилувчи омиллар жуда кўп. Шундай омилларнинг энг асосийларидан бири – илм-фаннинг ривожланганлик даражасидир. Илм инсонни, инсон жамиятни юксалтиради, ҳаётни фаровонлаштиради. Ўтган оғир ва машаққатли йиллар ҳар томонлама етуқ ва юксак малакага эга мутахассислар авлодини шакллантирмасдан, буюк келажакни қуриш мумкин эмаслигини тасдиқлади.**

Шу боисдан кейинги йилларда мамлакатимизда таълим соҳасида туб ислохотлар ўтказилмоқда. Ислохотларнинг самарасини биз статистик рақамларда ҳам қўришимиз мумкин. Жумладан, 2016 йилда жами 77 та олий таълим муассасасида 279 674 нафар талаба тахсил олган. Бу олий таълимнинг қамров даражаси 10 фоизга ҳам етмаганини кўрсатади. Бугунги кунда эса олий таълимга қамров 42 фоиздан ошган. Биргина 2024-2025 ўқув йилида 186 мингдан ортиқ абитуриент бакалаврият таълим йўналишларига қабул қилинди. Айни ўқув йилида магистратура йўналишларига 17 500 нафар магистрант қабул қилинган.

Қайд этиб ўтиш лозимки, соҳадаги ислохотлар занжири ақин келажақда бундан ҳам катта марраларни забт этишга қаратилган. Хусусан, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида ёшларни олий таълим билан қамраб олиш

даражасини камида 50 фоизга етказиш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбарига 5 май куни тақдим этилган истиқболли кадрларни мақсадли тайёрлаш ва мутахассисларнинг хорижда таълим олишини қўллаб-қувватлашга оид тақлифлар ҳам мазкур соҳада олиб борилаётган изчил ислохотларнинг узвий давоми, десак муболага бўлмайди.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда ҳар бир соҳани ривожлантиришда кадрлар масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёшларнинг ўқиши, мутахассисларнинг тажриба ошириши давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Келтирилишича, “Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан 2 минг 225 нафар стипендиатлар 45 га яқин давлатга ўқишга юборилиб, бюджетдан жами 1,5 триллион сўм йўналтирилган. Ҳозиргача уларнинг 1 минг 400 нафари Ўзбекистонга қайтиб, иқтисодиёт тармоқларида, таълим, фан, тиббиёт ва давлат бошқарувида ишламоқда. Бугунги кунда 748 нафар стипендиатлар “ТОП-300” таликдаги нуфузли университетларда таълим оляпти.

Энди бундай ишлар қўламини янада кенгайтириш мақсадида мазкур фондни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Истиқболли кадрларни тайёрлаш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси этиб, Давлат бошқаруви академиясини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академияси этиб қайта ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Жумладан, истиқболли



мутахассисларни хорижда тайёрлаш бўйича бакалаврият, магистратура ва докторантура билан бир қаторда давлат хизматчилари олти ойгача мақсадли стажировкага юборилади. Бунда энергетика, урбанизация, транспорт, архитектура, геодезия, ер муносабатлари, техника, муҳандислик каби иқтисодиётнинг драйвер соҳаларига, давлат бошқаруви ва долзарб ижтимоий йўналишларга устуворлик берилади.

Халқаро рейтингларда “ТОП-100” талик университетларга грант асосида ўқишга кирган номзодларга “Эл-юрт умиди” стипендияси имтихонларсиз ажратилади.

“ТОП-300” таликда бўлган университетларга грантга кирганларга халқаро транспорт ва турар жой харажатлари имтихонларсиз қоплаб берилади. “ТОП-20” таликдаги университетлар бакалавриятга 50 фоиз грант асосида қабул қилинган Президент мактаблари битирувчиларига стипендиялар танловларсиз ажратилади.

Хорижда ўқиётган юртдошларимиз билан доимий мулоқотда бўлиш, уларнинг эҳтиёжларини аниқлаш ҳамда таълим-тарбия жараёнларида ёрдамлашиш мақсадида “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиатларининг ота-оналари кенгаши тузилади. Элчихона ва консулликларга талабаларга ҳуқуқий ва ташкилий кўмак кўрсатиш вазифалари юклатилади.

Замон талабларига мос мутахассислар тайёрлашда Давлат сиёсати ва бошқаруви академиясининг ҳам ўрни катта. У ерда “Ҳокимлар мактаби”, “Раҳбар аёллар мактаби”, “Келажак лидерлари” каби курсларда илгор таълим дастурлари йўлга қўйилган. Ўтган ўқув йилида 13 мингдан зиёд тингловчиларнинг малакаси оширилган.

Янги тизимга асосан, энди давлат хизматчилари учун 3 та дастур – малака ошириш, қайта тайёрлаш ва магистратура йўлга қўйилади. Барча узоқ ва ўрта муддатли ўқувлар хорижий ҳамкорлар билан қўшма таълим дастурлари ҳамда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт

ташкilotининг таянч тавсиялари асосида ташкил этилади.

Магистратурада “Давлат бошқаруви”, “Давлат сиёсати”, “Худудларни комплекс ривожлантириш”, “Инсон ресурсларини ривожлантириш” ва “Давлат молиясини бошқариш” йўналишларида 18 ойгача муддатда чуқурлаштирилган билимлар берилади. Давлат буюртмасидан ташқари тўлов-контракт шаклида ҳам талабгорлар қабул қилинади.

Академияда таълим дастурлари ва илмий-тадқиқотлар сифатини ошириш бўйича тавсиялар бериш, нуфузли хорижий илмий-таълим муассасалари билан ҳамкорлик ўрнатиш учун Халқаро академик маслаҳат кенгаши тузилади.

Шунингдек, академия ҳузурида 4 та янги марказ ташкил этилмоқда. Мисол учун, Давлат бошқаруви муаммоларини илмий-амалий тадқиқ этиш маркази давлат хизмати самарадорлигини ошириш, хусусий сектордаги илгор амалиётларни давлат бошқарувида жорий қилишга қаратилган тавсиялар бериб боради.

Президентимиз тақлифларни маъқуллаб, бу тизимларни янгича ёндашувлар асосида жорий қилиш, жамғарма ва академия ходимларининг малакасини ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

Ёшларимиз орасидан халқаро меҳнат бозорининг талабларига тўлиқ жавоб берадиган, янгича фикрлайдиган етуқ ва салоҳиятли мутахассислар биз интилайтган Янги Ўзбекистонни барпо қилишда драйвер вазифасини ўташига ишонамиз.

**Аҳмад ҚУРБОНОВ**

## НАЗОРАТ-ТАҲЛИЛ

Депутатлар, партия фаолларининг ижтимоий масалаларни яқиндан ўрганиш мақсадида одамлар орасига кириб, уйма-уй юриб ишлаши анъанага айланмоқда. Авваллари бир йилда уч-тўрт марта учрашувларга чиқилган бўлса, эндиликда фаолларимиз ва депутатлардан иборат ишчи гуруҳи ҳар ҳафта сайловчилар ҳузурига ошиқади, улар билан юзма-юз мулоқот қилади. Бу орқали сайловчиларимизнинг эҳтиёжлари, муаммолари ва сайлов округидаги ҳақиқий вазият жойида ўрганилмоқда.

Албатта, халқ билан очиқ мулоқот қилиш, фуқароларнинг дард-у қувончига шерик бўлишда гап кўп. Чунки пойтахтда туриб, кабинетда ўтириб, фақат қоғозларда қайд этилган маълумотлар билан ислохотларга, ҳудудлардаги муаммоларга, одамларнинг орзу-ҳаваслари, ўй-ташвишлари, кайфиятига баҳо бериб бўлмайди.

Шуниси ҳам борки, эзгу ниятлар билан одамлар орасига кириш, энг узоқ ва чекка туманларга, ҳатто, маҳаллий раҳбарларнинг қадами етмаган жойларга бориб етим-есир, бева-бечоранинг бошини силашда ҳикмат бор. Ёш оилага уй-жой берилганини эшитиш, хонадонларга кириб, кекса отахон-у онахонлар билан бир пиёла чой устида суҳбат қуришнинг гаши ўзгача. Инсонийлик, меҳр-оқибат тафти мужассам бунда.

Шундан келиб чиқиб, ЎзХДП Марказий Кенгаши фаоллари, Қонунчилик палатасидаги фракциямиз аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимизнинг навбатдаги манзили Самарқанд вилояти бўлди.

Ўш, натижалар, ҳулоса ва таклифлар ҳақида яна нималар дейиш мумкин? Ишчи гуруҳи таркибида вилоятнинг шаҳар ва қишлоқларида бўлиб, сайловчиларнинг хоҳиш-истакларини ўрганган, муаммоларни ўз кўзи билан кўрган партиямиз фаоллари ушбу саволимизга жавоб беришди.

### Максуда ВОРИСОВА, ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари:

– Албатта, ҳудудлардаги яхши ўзгаришлар ҳақида узоқ гапириш мумкин. Биз буни жойларга чиқиб, ўз кўзимиз билан кўряпмиз. Одамларда ҳаётдан розилик, шукроналик туйғуси ниҳоятда кучли. Ҳаётнинг талаби эса ўз устимизда ишлаш, муаммоли ҳолатларни ҳал этишдан, ишимизни янги даражага кўтаришдан иборат.

Ҳозир ҳаёт баландпарвоз гапларни қабул қилмайди. Қуруқ рақамлар билан фақат ўзимизнигина алдашимиз мумкин. Қачонки, ҳар бир ҳудуд ва соҳадаги реал манзара, асл ҳолат ўрганилиб, муаммо юзга чиқсагина мутасадди ташкилотларнинг масъулияти, ҳисобдорлиги ҳам ошади. Шу мақсадда тиббиёт соҳасидаги ишларни ҳам ўргандик.

Вилоятда бугунги кунда соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимида 270 та амбулатория-поликлиника муассасалари фаолият юритмоқда, уларнинг 21 таси вилоят, 250 таси шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмаларига (16 та шаҳар ва туман кўп тармокли марказий поликлиникалари, 70 та оилавий поликлиника, 164 та ОШП) қарашли. Вилоят суд-тиббий экспертизаси, қон қуйиш станцияси, 17 та ДСЭНМлар, 10 та дезинфекция станциялари ҳам аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда.

Соғлиқни сақлаш бошқармаси тасарруфидаги таъмирга муҳтож муассасалар сони жами 83 тани ташкил этади. Улар тўғрисидаги маълумотлар Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилган.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, жорий йил 1 июлдан бошлаб Самарқанд вилоят соғлиқни сақлаш соҳасида тиббий сўғурта тизimini жорий қилиш режалаштирилган. Лекин вилоят, туман тиббиёт бирлашмалари биринчи тиббий ёрдам тизимида врачлар компьютер жамланмалари, ҳамширалар планшетлар билан таъминланмаган. Планшетлар локал интернет тармоғига уланмаган. Бу эса сўғурта тизimini жорий этишда қийинчиликлар туғдиради.

Назорат-таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, биз ўз таклифларимизни ишлаб чиқдик. Унга кўра, вилоятда давлат тиббий сўғурта тизими тўлиқ жорий этилиши учун албатта, зарур компьютер жамланмалари ва электрон тармоқлар билан таъминланиш керак.

Соғлиғини тиклашга муҳтож аҳоли ва уларнинг даволаниш жараёни ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлиш мақсадида, хусусий тиббиёт муассасалари томонидан уларга мурожаат қилган беморларда аниқланган касалликлар ва ўтказилган даволаш амалиётлари ҳақида ҳудудий тиббиёт бирлашмаларига ҳар ойда маълумот бериб борилишини жорий этиш зарур.

Тиббиётда яқин беш, олти йил давомида амбулатор поликлиника тизимидаги шифокорларнинг пенсияга чиқиши муносабати билан юзга келиши мумкин бўлган кадрлар етишмовчилигининг олдини олиш мақсадида, тиббиёт олийгоҳларининг битирувчи мутахассисларини уч йиллик муддат билан бирламчи тизимга мажбурий ишга йўналтириш масаласини кўриб чиқиш лозим, деб ўйлаймиз.

Кафолатланган тиббий ёрдамни ташкил этишда ижтимоий дорихоналардан тўлиқ



# САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ: суҳбат қизғин, муҳокамалар фаол, таклифлар ўринли

фойдаланиш мақсадида, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқиш зарурати ҳам бор.

Шунингдек, ишчи гуруҳимиз вилоятда таълим тизими, “Инсон” ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги фаолияти, пенсия таъминоти билан боғлиқ қатор масалалар бўйича ўрганиш олиб борди.

Назорат-таҳлил давомида ҳар бир масалага чуқур кириб боришга ҳаракат қилдик. Соҳа мутахассислари билан суҳбатлашдик, аҳолининг эътирозларини, мурожаатларини ўргандик. Таклифларимизни тайёрладик.

Албатта, улар фракциямизда ҳам кўриб чиқилади, асосли таклифлардан қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда фойдаланилади.

### Жамол АЧИЛОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

– Назорат-таҳлил давомида маълум бўлдики, вилоятда шу йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, 442940 нафар киши нафақа олувчи сифатида бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бўлимларида ҳисобда туради.

Уларнинг 373 757 нафари ёшга доир, 43 595 нафари ногиронлик, 25 588 нафари боқувчисини йўқотганлик нафақасини олади. Ўрганишларга кўра, ЯММТда иш стажы киритилмаганлиги сабабли,

ҳолда олиб боради. Ташкилотда жорий йил ҳисобидан 2 692 нафар аъзо рўйхатга олинган. Аммо ҳозир туман бўлинмларида бино ва техник масалаларда муаммолар мавжуд.

### Мавжуда ҲАСАНОВА, ЎзХДП Марказий Кенгаши бошқарма бошлиғи:

– Сайловчини рози қилишнинг йўли бу, мулоқот ва муаммолар ечимидир. Чунки, аҳолини қийнаётган муаммолар халқнинг ичига чуқур кириб борилгандагина яққол кўринади, сув юзасига қалқиб чиқади.

Жойларда аҳолини қийнаётган муаммоларни ўрганиш, уларга ҳолис ва ҳаққоний баҳо бериш, камчиликларни бартараф этиш асосий вазифамиздир. Юзма-юз мулоқотлар давомида фуқаролар томонидан асосан ишга жойлашиш, ўз ишини йўлга қўйиш учун имтиёзли кредитлар ажратиш, электр энергияси ва газ таъминотидаги муаммоларни бартараф этиш ва бошқа қатор масалалар кўтарилмоқда. Уларнинг салмоқли қисмини жойида ҳал этишга эришяпмиз.

Биламизки, ҳозир ҳар бир ҳудуд кесимида камбағалликни қисқартириш, тадбиркорликни ривожлантириш, иш ўрни яратиш, аҳоли даромадини ошириш бўйича дастурлар қабул қилинмоқда. Назорат-таҳлил давомида биз ушбу йўналишдаги ишларни ҳам ўргандик.



**АЛБАТТА, АҲОЛИ МАНФААТЛАРИГА ҚАРАТИЛГАН ҲАР БИР ДАСТУР ТЎЛИҚ БАЖАРИЛИШИ, АЖРАТИЛГАН МАБЛАҒЛАРНИНГ МАНЗИЛЛИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ КЕРАК. ХУСУСАН, ОЛДИМИЗДА САНОАТ, ТАДБИРКОРЛИК, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ, ТУРИЗМ ВА ИЖТИМОЙ СОҲАЛАР, ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ КАБИ МУҲИМ ВА КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ВАЗИФАЛАР ТУРИБДИ.**

пенсияга чиқаётган фуқароларнинг иш стажлари дастурда кўринмай қолиш ҳоллари учрамоқда. Шу сабабли, пенсия тайинлашда қийинчиликлар кузатилмоқда ва бу ҳақли эътирозларга сабаб бўляпти.

Шунинг учун иш стажы киритилмай қолган давр учун мавжуд ҳужжатлари, меҳнат дафтарчаси асосида меҳнат бўлимлари томонидан ЯММТ дастурига киришиб берилишига кўмаклашишни кучайтириш керак, деб ўйлаймиз. Бу иш стажы киритилмай қолган фуқароларга енгиллик бўлган бўлар эди.

Шунингдек, эҳтиёжманд фуқароларни қўллаб-қувватлаш борасида вилоятда эътибор марказидан четда қолаётган бир қатор муаммолар борлигига кўз юмолмаймиз.

Масалан, ўрганишлар давомида маълум бўлдики, вилоят “Кўзи ожизлар” жамияти нодавлат-нотижорат ташкилоти сифатида давлат рўйхатидан ўтган. Бу ўз уставиға асосан, шаҳар ва туманларда истиқомат қилувчи кўришда нуқсони бўлган ногиронлиги бор инсонлар манфаатларини ифодаловчи ташкилотдир. Ўз иш фаолиятини маҳаллий ҳокимлик ҳамда саховатли ҳомиярлар ёрдамларига таянган

Маълум бўлишича, Самарқанд вилоятида 1 607 835 нафар иқтисодий фаол аҳоли яшайди. Яъни, вилоят аҳолисининг 1 521 476 нафари иш билан банд. 86 359 нафар киши эса ишга жойлашишга муҳтож.

Тўғри, сўнгги вақтларда вилоятда аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, эҳтиёжманд оилаларнинг ижтимоий ҳимоясига алоҳида эътибор қаратилаяпти. Аммо бу борада ечимини кутаётган айрим муаммолар ҳам бор.

Масалан, ҳозирги кунда фуқаролардан ишсизлик нафақаси олиш учун my.gov.uz портали орқали жуда кўп мурожаатлар келиб тушмоқда. Таҳлилларга кўра, фуқаролар иш эмас, айнан ишсизлик нафақасини сўраяпти. Бу эса аҳолида боқимандалик кайфияти мавжуд эканлигини билдиреди.

Ишсиз фуқароларни маҳаллий тадбиркорлар томонидан ташкил этилган корхоналарга йўналтирилишда қийинчиликлар мавжуд. Туманларда sanoat ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда уларда иш ҳақининг камлиги эътирозларга олиб келмоқда.

Аҳолининг ишчанлик фаоллигини ва тадбиркорлик ташаббусларини

рағбатлантиришга, ижтимоий заиф қатламлар бандлигини таъминлашга, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича давлат хизматларидан фойдаланиш имконияти, сифати ва тезкорлигини оширишга қаратилган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Шунга қарамай, ҳудудлардаги меҳнат бозорига ҳали-ҳамон юқори даражада кескинлик сақланиб қолмоқда. Доимий иш ўринларини ташкил этиш, ёшлар, хотин-қизлар, кам таъминланган оилалар аъзолари бандлигини, айниқса, қишлоқ жойларда таъминлаш, шунингдек, ташқи меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш масалалари ҳал этилмааяпти. Ишга жойлаштириш соҳасида аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун кредит, молиявий, маслаҳат-ахборот бериш хизматлари ва бошқа зарур хизматлар даражаси пастлигича қолмоқда.

Албатта, аҳоли манфаатларига қаратилган ҳар бир дастур тўлиқ бажарилиши, ажратилган маблағларнинг манзиллилигини таъминлаш керак. Хусусан, олдимизда sanoat, тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги, туризм ва ижтимоий соҳалар, ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш каби муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган вазифалар турибди.

Масалан, вилоятда норасмий банд бўлганлар расмий секторга қараганда кўпроқ, норасмий банд бўлганларнинг кўп қисми мавсумий ва қишлоқ хўжалиги ишларига жалб этилган.

Туманларда кичик sanoat зоналари ташкил этилмоқда. Аммо мактаб битирувчилари ва ишсиз фуқаролар касби ёки мутахассислиги йўқлиги сабабли уларда ишга жойлаша олмааяпти.

Маълумки, болалар нафақасини олувчи оилалар автоматик тарзда камбағал оилалар реестрига киритилади. Аммо бундай вазиятларда амалиётда иккита муаммоли ҳолатлар кузатилмоқда.

Масалан, қарамоғида огир аҳволдаги ногирон фарзанди бор ота ёки она боласини ёлғиз ташлаб, ўзини банд қилиш имконияти мавжуд эмас. Бундай шароитдаги кишилар “Ғамхўрлик гуруҳлари” ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмас. Демак, уларга фарзандини ишончли қўлларга топшириб, кун бўйи ўз иши билан шуғулланиши мумкинлигини тушунтиришимиз керак.

Шунингдек, оилавий даромади етарли бўлмаган, лекин бола нафақаси тайинланган, камбағал оилалар реестрига кирган шундай инсонлар борки, тақлиф этилётган бўш иш ўринларида ишлашни хоҳламайди. Натижада улар камбағал оилалар реестридан чиқмасдан ҳар ой тизимли равишда келиб турган болалар нафақаси билан чекланиб, боқимандалик кайфиятида яшаб келмоқда.

Шуларни кўриб, гувоҳи бўлиб, ишчи гуруҳимиз камбағал оилалар реестридан чиқиш истиғи бўлмаган фуқароларнинг бола нафақаси олиши билан боғлиқ ҳолатни қайта кўриб чиқиш керак, деган таклиф билан чиқди.

\*\*\*

Албатта, ҳар қандай масаланинг назоратга олиниши яхши. Бу давлат ташкилотлари ва идоралари раҳбарларининг масъулиятини оширади, ислохотларга дахлдорлик кучаяди.

Партиямиз фаолларининг айтишича, вилоятда олиб борилган ўрганишлардан яна кўплаб маълумот ва рақамлар келтириш мумкин. Гап кўрсаткичларда эмас, аниқланган муаммоларни вақтида бартараф этишда, бунинг учун асосли ва ўткир таклифлар тайёрлашда. Шунинг учун биз энг муҳимларига тўхталишни жоиз топдик.

Бу кўзга кўринмас тўсиқларнинг олиб ташланишига, мутасаддиларнинг эътибор марказидан четда қолиб кетаётган муаммоларнинг сув юзига қалқиб чиқиб, бартараф этилишига йўл очади, деган умиддамиз.

**Лазиза ШЕРОВА,  
“Ўзбекистон овози” муҳбири.**



15 МАЙ – ХАЛҚАРО ОИЛА КУНИ

Бугун дунё ўзгармоқда, авлодлар алмашинувига мос равишда қарашлар, тутумлар, яшаш мезонлари ҳам янги маъно-мазмун касб этиб борапти. Иқтисодий, сиёсий, ижтимоий-маънавий, табиий-экологик омил ва таҳдидлар инсонлар руҳиятида ўзгаришлар содир этмоқда. Худди шундай, оила ва оилавий қадриятларга бўлган муносабатда ҳам бундай силсилани кузатиш мумкин. Айни пайтда кўплаб ривожланган давлатларда кузатилаётган демографик таназзулнинг бир учи оила аталмиш жамиятнинг муҳим бўғинига нисбатан инсонлардаги, айниқса, ёшлардаги беписанд ёндашувга бориб тақалмоқда, десак янглишмаймиз.

БМТ Бош Ассамблеяси резолюцияси асосида 1994 йилдан бери 15 май — Халқаро оила кuni сифатида кенг нишонланиб келинаётгани замирида ҳам оилавий қадриятлар ва оила муаммоларига жаҳон аҳли диққатини қаратиш мақсади турибди.

**Ўзбекистон Республикаси  
Бош вазири ўринбосари  
- Оила ва хотин-қизлар  
қўмитаси раиси Зулайхо  
МАҲКАМОВА мамлакатимизда  
оила институтини қўллаб-  
қувватлаш сиёсатининг  
устувор йўналишлари,  
моҳияти ва аҳамияти ҳақида  
қўйидагиларни баён этди:**

– Оила – бу ҳаёт мактаби, гўдакнинг дунёга келиши ва энг гўзал ахлоқий қадриятлар руҳида вояга етиши, дастлабки ҳаётий кўникмалар айнан оиладан бошланади. Аксинча, ҳаёт йўлида адашган, тарбияси оғир, тақдири ҳавас қилгулик бўлмаган инсонга баҳо беришда биринчи галда у ўсган оила муҳитидан сабабларни излаймиз. Оила чинакам меҳр-муҳаббат, тоза орзу-умидлар кўргонига айлансагина, унда камолга етаётган ўғил-қизлар жамиятнинг, мамлакатнинг бебаҳо ресурси бўла олади. Зотан, оила ҳаётининг бош муддао ва мақсади келажақ авлод тарбиясидир. Оила бор экан, инсоният насли давом этади.

Бугунги кунда республикамизда оилалар сони 10 миллиондан ортиқ ва уларнинг 3 миллиони ёш оилалардир. Алоҳида таъкидлашни истардимки, мамлакатимизда оилаларни мустаҳкамлаш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва оилавий қадриятларни асраб-авайлаш йўлида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда ва бу борада самарали тизим яратилиб, комплекс ёндашув механизмлари жорий қилинди.

“Ўзбекистон-2030” стратегиясини амалга ошириш борасида ҳам оилавий, миллий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича концептуал вазифалар белгилаб берилди. Янги Ўзбекистон стратегиясида оилага “инсонга инсонпарварлик, яхши ҳулқ, таълим-тарбия ва умуман, ижобий хислатларни ўргатувчи мактаб”, дея ижтимоий мақом берилди.

Ўрганишлар кўрсатадики, юртимизда эркакларнинг ўртача никоҳ ёши 27,1 ёшни, аёлларники 22,3 ёшни ташкил қилмоқда. Бу ижобий кўрсаткич йигитларимиз ва қизларимизнинг мактабдан сўнг таълимини давом эттириб, касб-ҳунари бўлиб, мустақил ҳаётда оёққа тургач, оила қуришга

интилаётганидан далолат беради. Шахсан мени мамнун қиладиган жиҳат шуки, қизларимизда олий таълим олишга иштиёқ сезиларли даражада кучайган. Рақамларга юзлансак, юртимизда олим таълим муассасаларида таҳсил олаётган 1 млн 479 минг 384 нафар талабанинг 52,2 фоизини хотин-қизлар ташкил этаётгани гўятда қувонарли. Мазкур тенденция маърифатли оила бекаларининг, илмли оналарнинг сафи кенгайиб бораётганини тасдиқлайди. Аёл билимли, соғлом фикрли, замонавий дунёқараш эгаси бўлса, у тарбиялаётган фарзандлар иқболига, таълим-тарбиясига ҳеч шубҳа қилмаслик мумкин.

Жамиятимизда маърифатли, ҳар томонлама намунали оилаларни кўпайтириш йўлида эришилаётган ютуқлар салмоғи ортаётгани фахрланишга арзийди. Бироқ нур бор жойда соя бўлганидек, оила институти соҳасида ҳамон узил-кесил нуқта қўйилмаётган оғриқли масала ҳам борлигидан кўз юмолмаймиз. Бу ажримлардир.

Бир олам орзу-ҳаваслар билан барпо этилган оиланинг дарз кетиш сабаблари ўрганилганида, оилада учинчи шахс аралашуви (қайнона-келин муносабатлари), фарзандсизлик, никоҳланувчиларнинг оила ҳаётига тайёр эмаслиги, эр-хотиннинг узоқ вақт бирга яшамагани, миграция, иқтисодий қийинчилик, хиёнат, спиртли ичимликлар ва гуёҳванд моддалар таъсири, таъйиқ ва зўравонлик каби омиллар никоҳ аталмиш муқаддас риштани узиб юбораётгани маълум бўлмоқда. Баъзан майда маиший гап-суз ҳам оилани пароканда қилаётган ҳолатлар бор. Бу ўринда оиланинг, айниқса, ёши катта аъзоларидан тоқатли ва оқил бўлиш талаб этилади. Улар табиятан қизиққон ёшларга босиқлик билан оилани сақлаб қолиш, гулдек фарзандларни тирик етим қилмаслик нақадар улуг иш эканини тушунтиришлари лозим.

Мисол учун, жорий йилнинг дастлабки уч ойида 11 ярим мингдан ошиқ оилавий ажрим қайд этилган. Ажрим туфайли 8 минг 407 нафар бола отасиз ёки онасиз қоляпти. Бундай

# ҲАЁТНИНГ БЕБАҲО МАКТАБИ

## “ОИЛА ЧИНАКАМ МЕҲР-МУҲАББАТ, ТОЗА ОРЗУ- УМИДЛАР ҚЎРҒОНИГА АЙЛАНСАГИНА, УНДА КАМОЛГА ЕТАЁТГАН ЎГИЛ-ҚИЗЛАР ЖАМИЯТНИНГ, МАМЛАКАТНИНГ БЕБАҲО РЕСУРСИ БЎЛА ОЛАДИ.

нохуш ҳолатда бегуноҳ болалар асосий жабрдийдага айланаётир. Кун келиб бу болалар жамиятга нисбатан аламзада, одамларга нисбатан нафрат билан ўсмаслигига, уларнинг тақдири сўроқ остида қолмаслигига ким кафолат беради?!

Мана шундай муаммоларнинг олдини олиш, оилавий ажримларни камайитириш борасида давлатимиз томонидан тизимли чоралар кўрилаётганига барчамиз гувоҳмиз. Яна аниқ далил келтирай. Шу йилнинг биринчи чорагида 11 минг 659 та оила ажрим ёқасига келиб қолган ва улар ажрим юзасидан маҳалла фуқаролар йиғинлари қошидаги Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияларига, ФХДЁ бўлимига ҳамда фуқаролик ишлари бўйича судларга мурожаат қилган. Маҳалла еттилиги, жамоатчилик фаоллари ва, албатта, қўмитамизнинг қуйи бўғинларидаги ходимлари саъй-ҳаракати, ташаббуслари билан бу оилаларнинг 67 фоизидан низо бартараф этилиб, ажрашишга аҳд қилган эр-хотинлар яраштирилган. Сув ҳам бир лойқаланиб, тинади, дейди доно халқимиз.



Худди шундай, арзимас сабаб қутилмаганда катталашиб, ажримгача борган юзлаб оилалар жамиятнинг ғамхўрлиги ва таъсирчан тушунтириш ишлари самарасида яна биргаликдаги осоийшта ҳаётга қайтаётгани - бу энг катта ютуғимиз.

Умуман олганда, оилавий ажримларни, нотинч оилалардаги муаммоларни ўрганиш давомида шунга амин бўлмоқдамизки, оилани сақлаб қолиш, фарзанд тарбиясидаги масъулият, оила қонунчилиги, оила психологияси, оила даромади, оила қадриятлари ҳамда оила саломатлиги борасида кўплаб эр-хотинларда билим, кўникма ва тушунча етарли эмас. Уларни ота-оналик таълимига ўқитиш, никоҳланувчи ёшларни оилага тайёрлаш долзарб вазифаларимиздан бири бўлиб турибди.

Шу нуқтаи назардан жорий йилнинг январь-март ойи якунига кўра, республика бўйича 24 минг 842 нафар никоҳланувчи шахслар оила сабоқларига ўқитилди. Ўтган йилдан бошлаб Андижон вилояти Жалакудук тумани тажрибаси асосида барча туман (шаҳар)ларда “Оила ва хотин-қизлар масканлари” ташкил этилмоқда.

Оилаларни асраб-авайлаш ва ажримларнинг олдини олиш борасидаги ишларни янги босқичга кўтариш мақсадида юртимиз бўйлаб бу йил 10 майдан 10 июнгача “Фаровон оила сари” ойлги ўтказилаётгани айни муддао.

Ҳар йили “Ибратли оила” кўкрак нишони билан тақдирланадиган 208 та оилалар сони жорий йилда 2000 тага етказилди. Халқаро оила кuni арафасидаги тантаналарда ушбу оилаларга “Ибратли оила” кўкрак нишони ва пул мукофотларини топшириш, улар яшайдиган хонадонлар ва уй-жойларнинг кириш қисмига фахрли белги ўрнатиш кўзда тутилган. “Фаровон оила сари” ойлги доирасида туман (шаҳар)-ларда “Ибратли оила” кўкрак нишони совриндорларининг ҳаётий тажрибаси оммалаштирилади ва кенг тарғиб қилинади.

Шунингдек, “Янги Ўзбекистоннинг ибратли оиласи”,

Қўролли Кўчлар тузилмаларида фаолият юритаётган ҳарбий оилалар ўртасида “Янги Ўзбекистоннинг ҳарбийлар оиласи” кўрик-танловлари ҳам ташкил этилади. Бу жараёнда “Янги Ўзбекистоннинг ибратли оилалари – ёшлар учун ибрат мактаби” номли тадбирлар, “Менинг оилам – менинг фахрим” мавзусида флешмоб ва “Янги Ўзбекистоннинг бахтли оиласиман” челленжлари жамоатчилик, айниқса, ёшларимиз томонидан жуда катта хайрихоҳлик билан кутиб олинди. Низоли оилаларни муросага келтириш мақсадида масъул ташкилотларнинг маҳаллаларда сайёр қабуллари ҳам ўтказилаётгани нур устига нур.

Бундан ташқари, “Масъулиятли ота-оналик” лойиҳасининг мазмун-моҳиятини жамиятга сингдиришга ҳаракат қилинмоқда. “Соғлом оила учун бирлашайлик!” спорт марафони, “Спорт сайли” тадбирлари ушбу лойиҳага ўзгача шухуҳ бағишлаётганини, жойлардаги истироҳат боғларида узоқ йиллардан буён бирга, аҳил яшаб келаётган нуроний жуфтликлар ҳамда ёш келин-куёвлар иштирокида “Оилалар сайли” (“оилафест”) ташкиллаштирилганини қайд этмоқ жоиз.

Оила турмуш доирасида ҳамда хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг эрта олдини олиш, таъйиқ ва зўравонликка қарши муросасизлик муҳитини яхшилаш мақсадида “Оила тинч – юрт тинч” шиори остида тарғибот ва ташвиқот ишлари бир қадар жадаллашди. Маҳалла хотин-қизлар фаоллари томонидан уйма-уй юриш орқали оғир вазиятдаги опа-сингилларимизни аниқлаш ҳамда уларга ёрдам қўлини чўзиш саъй-ҳаракатлари қамрови ҳам ортаётгани ҳаётий заруратдир.

Фурсатдан фойдаланиб, юртдошларимизни “Фаровон оила сари” ойлги тадбирларида фаол иштирок этишга қақираман. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, оила - кичик ватан, оила тинч бўлса, бахтли бўлса, ватан тинч бўлади.

**“Ўзбекистон овози” мухбири  
Фарида ИБРОҲИМОВА  
ёзиб олди.**

**Оила – бахт кўргони. Бу кўргон ота ва она номли меҳр бўлоқларидан сув ичади. Меҳр бўлоқлари эса бобо ва буви деган илоҳий дарёларнинг бедор ўзанларидир. Оиланинг муҳаббат ва садоқат деган устунлари бор. Бу устунлар ишонч деган таянчга ўрнатилган. Таъбир жоиз бўлса, ўша таянч оиланинг ёши улугʻларига суянади. Кексаларнинг маъноли қарашларида ҳаёт китобининг мазмуни мужассам.**

Оила инсон боласининг кимлигини кўрсатувчи илк масқандир. Ҳатто Соҳибқирон Амир Темур ҳам “Ўғилларим, набираларим ва яқинларимни уйлантирмоқ ташвишида келин изламоққа эътибор бердим. Бу ишни давлат умушлари билан тенг кўрдим. Келин бўлмишнинг насл-насабини, етти пуштини сурштирдим. Келин бўлмиш насл-насаби, обод-ахлоки, соғлом ва бақувватлиги билан барча қусурлардан ҳоли бўлсагина эл-юртга катта тўй-тамошо бериб, келин туширдим», дея алоҳида қайд этган.

Қадим қадриятлар ўзбек халқининг бебаҳо бойлиги сифатида маданий-маърифий ҳодисалар, урф-одатлар, аънаналар замирида оиланинг кадр-қимматини оширишга хизмат қилади. Оилавий қадриятлар орқали она Ватанга садоқат, меҳнатсеварлик, муҳаббат, адолат, поклик, тўғрисиўзлик каби фазилатлар бобо-бувидан, ота-онадан шахсий намуна бўлиб фарзандлар қалбига сингдирилади. “Таниқлигу шарафинг отангдандир, меҳрибонлик, мушфиқлик онангдандир”, деган Маҳмуд аз-Замахшарий.

Демак, яхшиликларни, яхшиларга яқин бўлишни ўргатмоқ ёши катталарнинг вазифаси. Жўжа очиб, полапонларини эргаштиришни қушлар ҳам эплайди. Аммо тарбия бериб, одамни одамдек яшашга ўргатиш чин инсонларга хос. Бу хусусда Алишер Навоий шундай деди:

**Топтинг чу иёл яхшилик еткургил,  
Ўргат адабу яхши қилиқ ўргатгил.  
Ушоқ қанд оқ тузга монанд эрур,  
Ва лекин бири туз, бир қанд эрур.**

Оилавий қадриятлардан бири - бу исроф қилиш гуноҳ эканини англамоқдир. Оиланинг ҳисобидан исроф қилиш уни

# ОИЛА УСТУНЛАРИ



қашшоқликка, йўқчиликка маҳқум этиш демак. Оилада йўқчилик оқибатида уруш-жанжал пайдо бўлади, фарзандлар жиноятга қўл уради. Ўзгалар мол-дунёсига ҳасад қилиш қулфати соя солади. Халқимиз бежиз нимани хор қилсанг, шунга зор бўласан, демайди. Шунинг учун оиладаги ҳар бир неъматни тежаш ва исроф қилмаслик, унинг оқибатини фарзандлар онгига сингдирмоқ зарур.

Саҳийлик, ҳотамтойлик инсон фазилатининг кўрки. Оила иқтисодининг тежалган қисмидан қариндош-уруғларга, қўни-қўшниларга, дўст-у биродарларга эҳсон қилиш қадимдан шаклланиб келган қадрият ҳисобланади. Муҳтожликда яшаётган ён қўшнига ёрдам бериш, ҳолидан хабар олиш хотамтойликдир, ўзи бой-бадавлат дўст-у биродарларга катта-катта зиёфатлар бериш тақаббурликдан бошқа нарса эмас.

Оилада ҳар кишининг ўз билганича,

оила бошлиғи, ёши улугʻлари билан маслаҳатлашмай харажат қилиши ҳам исрофгарчиликка олиб келади. Бундай хонадонда қут-барака қўтарилади.

Оила иқтисодида кирим билан чиқимнинг бир-бирига мутаносиб бўлмоғи, яъни, чиқимнинг киримдан кўпайиб кетмаслигига аҳамият бермоқ керак. Шундай қилиб, оила иқтисодини чуқур билиш, унга амал қилиш турмуш фаровонлигини таъминлашнинг муҳим воситасидир.

Тўпланган мол-дунёни эзгу мақсадларга ишлатиш лозимлигини оиланинг катта тажрибага эга нуронийлари ўргатадилар. Чунки улар ҳаётнинг тошли ва тиконли йўлларида ўтганлар. Улар умрнинг ялпи тўйда ўтмаслигини жуда яхши биладилар ва тақдирнинг қутилмаган зарбаларидан оилани қандай асраб қолиш йўлларини кўрсатадилар.

Ҳар бир оила улкан академия. Ўша

академиянинг академиклари боболар ва бувилардир. Халқда “Палаги тоза бўлсин!” деган гап бор. Палакни тоза сақлаш ва буни авлоддан-авлодга мерос қолдириш инсондан ҳалоллик, сабр ва бардош талаб этади. Тош келса кемириб, сув келса симириб яшай билган одам бахт топади, дейдилар. Тақдирнинг шундай тошлари бор, уни тишларингиз сингунича кемириб, майдалаб йўқ қилишингиз керак. Бу тошларни йўқотмасангиз, авлодлар қоқилиши, йиқилиши, шикастланиши, ҳатто майиб-мажруҳ бўлиб қолиши мумкин. Сизнинг чекингизга ўша тошларни йўқ қилиш тушган. Сиз тошларни кемирисиз, олтмиш ёшингизда тишларингиз тўкила бошлайди. Етмиш, саксон, тўқсон ёшингизда соғ тишларингиздан бутунлай айриласиз. Ўзингизни рози-ризо бўлиб сарф этасиз. Бошқача айтганда, болаларингиз бахтига, оилангиз фаровонлигига умрингизни тикасиз ва бундан асло ачинмайсиз.

Сиз оиланинг бош бўғинисиз, нуронийсиз. Сизни оила ташвишлари кучли қилди. Сизни насли тоза сақлаш ва давом эттириш қудратли қилди. Ақлли, истеъдодли, имон-эътиқодли, ватанпарвар фарзандлар, набиралар, чеваралар тимсолида шиддатингиз шамолларини сезиб энтикасиз, кўнглингиз тоғдек кўтарилади. Улар сиз қурган бинолар ёнига янада муҳташам бинолар қурадилар. Улар янги боғлар яратадилар. Янги Ўзбекистонни бунёд этадилар. Бу бунёдкорлик уларга Сизнинг томирингиздан ўтган.

Қуламас кўргон, қуримас дарё, бахтиёр оила учун ташаккур Сизга, оилалар устунлари – бобожонлар, бувижонлар!

Оламдаги барча эзгуликлар бошида турган донишмандлар, бахтимизга омон бўлинг!

**Зулфия МЎМИНОВА,  
Ўзбекистон Республикасида хизмат  
кўрсатган маданий ходими.**

# МЕҲР ВА ҒАМХЎРЛИК ИФОДАСИ



Халқ демократик партияси аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож, эҳтиёжманд қатламлари манфаатларини ҳимоя қилади. Шу маънода бугун Ўзбекистонда яратилган янги ижтимоий ҳимоя тизими, соҳада очкилик, тенглик, адолат тамойилларига қатъий амал қилиш вазифаси белгилангани партиямиз учун принципиал аҳамиятга эга. Чунки, жамиятга қўшилиб, ҳаётини изга солган инсонлар қанча кўпайса, юртимиз тараққиёти шунча тезлашади.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Тошкент шаҳар ва Яккасарой туман кенгашлари ташаббуси билан “Ижтимоий бирдамлик – меҳр ва ғамхўрлик мезони!” шиори остида ўтказилган амалий тадбирда бу алоҳида таъкидланди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар инсон қадрини улуглаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, ҳар бир фуқаронинг муносиб ҳаёт кечиришига қаратилгани қайд этилди. Айниқса, “Инсон қадри учун” тамойили асосида ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлаш, кам таъминланган оилаларга ҳар томонлама қўмаклашиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қўрилаётгани партиямиз электорати манфаатларига хизмат қилади, дейишди сўзга чиққанлар.

Тадбир доирасида Республика болалар ижтимоий мослашув марказида даволанаётган болалар оилалари, шунингдек, Яккасарой туманидаги "Боғсарой" ҳамда Миробод туманидаги "Истиқлолобод" маҳаллаларида истикомат қилувчи эҳтиёжманд оилалар

учун байрамона дастурхон ёзилди. Уларга меҳр ва эътибор кўрсатилди, болаларга эсдалик совғалари улашилди.

Жами 80 нафар кам таъминланган оила ва уларнинг фарзандлари тадбирда иштирок этди. Улар учун кўтаринки кайфиятда, миллий қадриятларимизга уйғун ҳолда байрам муҳити яратилди. Шунингдек, 10 нафар болаларнинг хатна тўйи бегараз



хайрия асосида, қувончли тарзда ташкил этилди.

Тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзоси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашидаги ЎзХДП депутати, “Нуроний” жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси Рустам Калонов, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Мақсуда Ворисова, шунингдек, депутатларимиз шоира Зулфия Мўминова ва Мухтор Илҳомовлар иштирок этиб, сўзга чиқдилар.

Бу каби тадбирлар нафақат моддий ёрдам кўрсатиш, балки жамиятда инсонпарварлик, ҳамжиҳатлик, меҳр-шафқат ва ижтимоий бирдамликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси келгусида ҳам “инсон – жамият – давлат” тамойили асосида ижтимоий адолатни таъминлаш, эҳтиёжманд фуқароларни доимий қўллаб-қувватлаш борасидаги амалий ишларини изчил давом эттиради.

ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши.

## МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

Коррупция – иллат. Тараққиёт кушандаси. Жамият ривожига жиддий ғов бўладиган балога қарши курашиш бугуннинг устувор вазифасидир. Ўзбекистон ХДП Шўрчи туман Кенгаши ташаббуси билан Ахборот-кутубхона марказида “Коррупцияга қарши курашиш – Ватан тараққиёти кафолати” мавзuida ташкил қилинган тадбирда ҳам шулар ҳақида сўз юритилди.

# КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ – ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ



Партия фаоллари, депутатлар ва кутубхона масъуллари иштирок этган анжуманда коррупциясиз ҳаёт ҳар биримизнинг фаолиятимиз мезонига айланиши кераклиги муҳокамалар марказида бўлди.

– Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш мақсадида тарихий ислохотлар амалга оширилмоқда, – дейди Ўзбекистон ХДП Шўрчи туман Кенгаши раиси, халқ депутатлари Шўрчи туман Кенгаши депутати Ботиржон Ражабов. – Президентимиз қонун устуворлигини таъминлаш ва коррупцияга қарши курашишда жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, олдимизга

қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз, деб алоҳида таъкидлаган эди. Шундай экан, бу иллатни илдизи билан йўқ қилиш инсоний бурчимиз бўлиши шарт.

Очиқ ва ошкора руҳда ўтган тадбирда маданият бўлими ва 30-мактаб жамоаларининг мусиқий чиқишлари олқишлар билан қарши олинди. Фаол иштирокчиларга партия ташкилоти ҳамда Ахборот-кутубхона марказининг эсдалик совғалари топширилди. Ҳар жиҳатдан фойдали тадбирни мунтазам ўтказишга келишиб олинди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,  
“Ўзбекистон овози”  
муҳбири.

## МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАР

### «INSON» акциядорлик жамияти суғурта ташкилоти

Рўйхатга олиш рақами: Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги лицензияси

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги 00058-сонли СФ серияси буйруқ

2022 йил 14 мартдаги 36-СФ-сон.

Юридик манзили: 100011, Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 31-уй

| Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларга ўтган суғурта ташкилотлари томонидан тақдим этиладиган молиявий ҳолат тўғрисидаги маълумотнинг 2024 йил 31 декабрь ҳолатига кўра |           |               |                        |                |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------|---------------|------------------------|----------------|
| Кўрсаткичлар номи                                                                                                                                                           | Сатр коди | 31-12-2022*   | 31-12-2023*            | 31-12-2024*    |
| 1                                                                                                                                                                           | 2         | 3             | 4                      | 5              |
| Активлар                                                                                                                                                                    | x         | x             | ўлчов бирлиги тўс. сўм |                |
| Узоқ мuddатли активлар                                                                                                                                                      | x         | x             | x                      | x              |
| Асосий воситалар                                                                                                                                                            | 010       | 9 230 284,00  | 11 582 444,00          | 11 043 557,00  |
| Узоқ мuddатли инвестициялар                                                                                                                                                 | 020       | 34 965 234,00 | 21 118 518,00          | 16 001 363,00  |
| Капитал қўйилмалар                                                                                                                                                          | 030       |               |                        | 12 940 000,00  |
| Жами узоқ мuddатли активлар жами (сатр.010+020+030)                                                                                                                         | 040       | 44 195 518,00 | 32 700 962,00          | 39 984 920,00  |
| Жорий активлар                                                                                                                                                              | x         | x             | x                      | x              |
| Пул маблағлари ва эквивалентлари                                                                                                                                            | 050       | 2 931 419,00  | 10 907 704,00          | 6 581 480,00   |
| Қисқа мuddатли инвестициялар                                                                                                                                                | 060       | 35 351 457,00 | 85 091 273,00          | 88 500 510,00  |
| Дебитор қарздорлиқлар                                                                                                                                                       | 070       | 324 085,00    | 2 155 754,00           | 930 241,00     |
| Сугурта мажбуриятлари захирасининг қайта сугурталовчи улуши                                                                                                                 | 080       | 1 347 290,00  | 307 045,00             | 23 418 385,00  |
| Берилган кредитлар ва аванслар                                                                                                                                              | 090       | 163 000,00    | 930 201,00             | 3 927 601,00   |
| Солиқ ва йигимлар бўйича аванс тўловлари                                                                                                                                    | 100       | 990 368,00    | 477 443,00             | 377 601,00     |
| Товар моддий захиралар                                                                                                                                                      | 110       |               |                        |                |
| Бошқа жорий активлар                                                                                                                                                        | 120       | 10 857 972,00 | 12 795 883,00          | 47 406 440,00  |
| Жами узоқ мuddатли активлар жами (сатр.050+060+070+080+090+100+110+120)                                                                                                     | 130       | 51 965 591,00 | 112 665 303,00         | 171 142 258,00 |
| Жами активлар жами (сатр.040+130)                                                                                                                                           | 140       | 96 161 109,00 | 145 366 265,00         | 211 127 178,00 |
| Капитал ва мажбуриятлар                                                                                                                                                     | x         | x             | x                      | x              |
| Капитал                                                                                                                                                                     | x         | x             | x                      | x              |
| Устав капитали                                                                                                                                                              | 150       | 36 610 362,00 | 45 751 457,00          | 65 751 457,00  |
| Резерв капитали                                                                                                                                                             | 160       | 65 465,00     | 180 860,00             | 180 860,00     |
| Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)                                                                                                                                    | 170       | 3 123 479,00  | 1 132 686,00           | 1 925 352,00   |
| Жами капитал жами (сатр.150+160+170)                                                                                                                                        | 180       | 39 799 306,00 | 47 065 003,00          | 67 857 669,00  |
| Мажбуриятлар                                                                                                                                                                | x         | x             | x                      | x              |
| Узоқ мuddатли мажбуриятлар                                                                                                                                                  | x         | x             | x                      | x              |
| Кечиктирилган солиқ мажбуриятлари                                                                                                                                           | 190       |               |                        |                |
| Сугурта бўйича резервлар                                                                                                                                                    | 200       | 52 438 760,00 | 90 110 915,00          | 126 800 556,00 |
| Жами узоқ мuddатли мажбуриятлар жами (сатр.190+200)                                                                                                                         | 210       | 52 438 760,00 | 90 110 915,00          | 126 800 556,00 |
| Жорий мажбуриятлар                                                                                                                                                          | x         | x             | x                      | x              |
| Кредиторлик қарздорлиқлари                                                                                                                                                  | 220       | 1 624 111,00  | 2 539 247,00           | 6 330 330,00   |
| Бюджетта тўловлар бўйича қарздорлик                                                                                                                                         | 230       | 756 715,00    | 2 623 606,00           | 1 121 348,00   |
| Бюджетдан ташқари тўловлар бўйича қарздорлик                                                                                                                                | 240       |               |                        |                |
| Олинган бўнақлар                                                                                                                                                            | 250       |               |                        |                |
| Ходимлар билан ҳисоб-китоблар                                                                                                                                               | 260       |               |                        |                |
| Бошқа жорий мажбуриятлар                                                                                                                                                    | 270       | 1 542 217,00  | 3 027 494,00           | 9 017 275,00   |
| Жами жорий мажбуриятлар жами (сатр.220+230+240+250+260+270)                                                                                                                 | 280       | 3 923 043,00  | 8 190 347,00           | 16 468 953,00  |
| Жами мажбуриятлар жами (сатр.210+280)                                                                                                                                       | 290       | 56 361 803,00 | 98 301 262,00          | 143 269 509,00 |
| Жами капитал ва мажбуриятлар жами (сатр.180+290)                                                                                                                            | 300       | 96 161 109,00 | 145 366 265,00         | 211 127 178,00 |

### Бухгалтерия баланси 2024 йил 31 декабрь ҳолатига кўра

| Кўрсаткичлар номи                                                                                     | Сатр коди | Ҳисобот даври бошига | Ҳисобот даври охирига |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------|----------------------|-----------------------|
| 1                                                                                                     | 2         | 3                    | 4                     |
| Актив                                                                                                 |           |                      |                       |
| I. Узоқ мuddатли активлар                                                                             |           |                      |                       |
| Асосий воситалар:                                                                                     |           |                      |                       |
| Бошланғич (қайта тиклаш) қиймати (0100, 0300)                                                         | 010       | 18 271 842,93        | 20 391 246,25         |
| Зиёриш суммаси (0200)                                                                                 | 011       | 5 755 811,84         | 8 479 340,07          |
| Қолдиқ (баланс) қиймати (сатр. 010 - 011)                                                             | 012       | 12 515 830,99        | 11 911 906,18         |
| Номоддий активлар:                                                                                    |           |                      |                       |
| Бошланғич қиймати (0400)                                                                              | 020       |                      |                       |
| Амортизация суммаси (0500)                                                                            | 021       |                      |                       |
| Қолдиқ (баланс) қиймати (сатр. 020 - 021)                                                             | 022       | 0,00                 | 0,00                  |
| Узоқ мuddатли инвестициялар, жами (сатр. 040 + 050 + 060 + 070 + 080), шу жумладан:                   | 030       | 21 138 260,02        | 16 021 104,68         |
| Қийматли қорғаслар (0610)                                                                             | 040       | 1 124 741,85         | 1 117 096,61          |
| Шўъба ҳўжалик жамиятларига инвестициялар (0620)                                                       | 050       |                      |                       |
| Қарам ҳўжалик жамиятларига инвестициялар (0630)                                                       | 060       | 20 013 518,17        | 14 904 008,07         |
| Чет эл капитали мавjud бўлган қорғоналарга инвестициялар (0640)                                       | 070       |                      |                       |
| Бошқа узоқ мuddатли инвестициялар (0690)                                                              | 080       |                      |                       |
| Учраштирилган асбўб-усуналар (0700)                                                                   | 090       |                      |                       |
| Капитал қўйилмалар (0800)                                                                             | 100       |                      | 12 940 000,00         |
| Узоқ мuddатли дебиторлик қаралари (0910, 0920, 0930, 0940)                                            | 110       |                      |                       |
| Узоқ мuddатли кечиктирилган харажатлар (0950, 0960, 0990)                                             | 120       |                      |                       |
| I бўлим бўйича жами (сатр. 012 + 022 + 030 + 090 + 100 + 110 + 120)                                   | 130       | 33 654 091,01        | 40 873 010,86         |
| II. Жорий активлар                                                                                    |           |                      |                       |
| Товар-моддий захиралари, жами (сатр.150 + 160),шу жумладан:                                           | 140       | 841 683,91           | 924 128,08            |
| Материаллар (1000, 1500, 1600)                                                                        | 150       | 841 683,91           | 924 128,08            |
| Туғалланмаган хизматлар (2000, 2300, 2700)                                                            | 160       |                      |                       |
| Келгуси давр харажатлари (3100)                                                                       | 170       |                      |                       |
| Кечиктирилган харажатлар (3200)                                                                       | 180       |                      |                       |
| Дебиторлар, жами (сатр. 200 + 310 + 320 + 330 + 340 + 350 + 360 + 370 + 380 + 390).                   | 190       | 4 673 967,19         | 43 224 213,38         |
| шундан: иррадиат ўтган                                                                                | 191       |                      |                       |
| Туланадиган сўтлар, жами (сатр. 210 + 220 - 400)                                                      | 200       | 2 155 753,44         | 10 428 014,35         |
| Харидорлар ва бюрўтманиларнинг қарзи (4010, 4020)                                                     | 210       |                      | 0,00                  |
| Сугурта операциялари бўйича дебиторлар, жами (сатр. 230 + 240 + 250 + 260 + 270 + 280 + 290 + 300)    | 220       | 2 155 753,44         | 10 428 014,35         |
| Сугурта қилдирувчиларнинг қаралари (4030)                                                             | 230       | 807 579,64           | 23 845,76             |
| Сугурта агентлари ва брокерларнинг қаралари (4040)                                                    | 240       | 939 890,99           | 906 395,42            |
| Қайта сугурта қилдирувчиларнинг қаралари (4050)                                                       | 250       |                      |                       |
| Қайта сугурталовчиларнинг комиссия мухофотлар, тантўеа ва бошқа мухофотлар бўйича қаралари (4051)     | 260       |                      |                       |
| Қайта сугурталовчиларнинг қаралари (4060)                                                             | 270       | 408 282,81           | 9 497 773,17          |
| Ҳаёт сугуртаси бўйича суддалар (4070)                                                                 | 280       |                      |                       |
| Сугурталовчининг бошқа сугурталовчилардаги депо зарари (4080)                                         | 290       |                      |                       |
| Сугурталовчининг бошқа сугурталовчилардаги депо мухофотлари (4090)                                    | 300       |                      |                       |
| Алоҳида бўлимларнинг қарзи (4110)                                                                     | 310       |                      |                       |
| Шўъба ва қарам ҳўжалик жамиятларининг қарзи (4120)                                                    | 320       |                      |                       |
| Ходимларга берилган бўнақлар (4200)                                                                   | 330       | 467,45               | 36 415,02             |
| Мол етказиб бериучилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар (4300)                                      | 340       | 1 575 191,29         | 23 196 431,49         |
| Бюджетта бўнақ тўловлари (4400)                                                                       | 350       | 477 442,65           | 377 601,38            |
| Мақсадли давлат жамғармалари ва сугурталар бўйича бўнақ тўловлари (4500)                              | 360       |                      |                       |
| Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзи (4600)                                          | 370       |                      |                       |
| Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзи (4700)                                                    | 380       | 465 112,36           | 786 917,68            |
| Бошқа дебиторлик қаралари (4800)                                                                      | 390       |                      | 8 398 833,46          |
| Ишонсиз қарзлар бўйича резерв (4900)                                                                  | 400       |                      |                       |
| Пул маблағлари, жами (сатр.420 + 430 + 440 + 450),шу жумладан:                                        | 410       | 2 407 704,19         | 3 081 480,55          |
| Кассадagi пул маблағлари (5000)                                                                       | 420       |                      |                       |
| Ҳисоб-китоб сўтидаги пул маблағлари (5100)                                                            | 430       | 2 062 035,74         | 2 609 286,61          |
| Чет эл валютасидаги пул маблағлари (5200)                                                             | 440       | 213 994,16           | 233 505,49            |
| Бошқа пул маблағлари ва эквивалентлари (5500, 5600, 5700)                                             | 450       | 131 674,29           | 238 688,45            |
| Қисқа мuddатли инвестициялар (5800)                                                                   | 460       | 94 521 474,56        | 95 928 111,65         |
| Бошқа жорий активлар (5900)                                                                           | 470       |                      |                       |
| II бўлим бўйича жами (сатр. 140 + 170 + 180 + 190 + 410 + 460 + 470).                                 | 480       | 102 444 829,85       | 143 157 933,66        |
| Баланс активи бўйича жами (сатр. 130 + 480)                                                           | 490       | 136 098 920,86       | 184 030 944,52        |
| Пассив                                                                                                |           |                      |                       |
| I. Ўз маблағлари манбалари                                                                            |           |                      |                       |
| Устав капиталга (8300)                                                                                | 500       | 45 751 457,40        | 65 751 457,40         |
| Қўшилган капитал (8400)                                                                               | 510       | 199 096,23           | 199 096,23            |
| Захира капиталга (8500)                                                                               | 520       | 1 886 451,22         | 1 886 451,22          |
| Сотиб олинган ҳўсусий акциялар (8600)                                                                 | 530       |                      |                       |
| Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) (8700)                                                       | 540       | 265 004,27           | 802 869,03            |
| Мақсадли тушумлар (8800)                                                                              | 550       |                      |                       |
| Келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун захиралар (8900)                                           | 560       |                      |                       |
| I бўлим бўйича жами (сатр. 500 + 510 + 520+530 + 540 + 550 + 560)                                     | 570       | 48 112 009,12        | 68 649 873,88         |
| II. Сугурта захиралари                                                                                |           |                      |                       |
| Сугурта захиралари, жами (сатр. 590 + 600 + 610 + 620 + 630 + 640 + 650 + 660)                        | 580       | 81 499 591,61        | 130 918 972,65        |
| Ишлаб топилмаган мухофотлар захираси (8010)                                                           | 590       | 61 844 503,34        | 98 008 101,88         |
| Содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захираси (8020)                                         | 600       | 15 841 890,85        | 25 084 364,93         |
| Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси (8030)                                     | 610       | 3 087 485,02         | 3 278 850,72          |
| Отоқлатириш чора-тадбирлари захираси (8040)                                                           | 620       |                      |                       |
| Активларнинг номувоффиқлиги захираси (8050)                                                           | 630       |                      |                       |
| Фалокатлар захираси (8060)                                                                            | 640       | 725 712,40           | 3 467 655,12          |
| Зарарлигининг тебраниши захираси (8070)                                                               | 650       |                      |                       |
| Ҳаёт сугуртаси бўйича захиралар (8090)                                                                | 660       |                      |                       |
| Қайта сугурталовчиларнинг сугурта захираларидаги улуши, жами (сатр. 680 + 690 + 700 + 710)            | 670       | 307 045,11           | 23 418 385,83         |
| Ишлаб топилмаган мухофотлар захирасидаги қайта сугурталовчиларнинг улуши (8110)                       | 680       | 275 084,85           | 16 779 363,52         |
| Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захирасидаги қайта сугурталовчиларнинг улуши (8120) | 690       |                      |                       |
| Содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захирасидаги қайта сугурталовчиларнинг улуши (8130)     | 700       | 31 960,26            | 6 639 022,31          |
| Ҳаёт сугуртаси бўйича захиралардаги қайта сугурталовчиларнинг улуши (8140)                            | 710       |                      |                       |
| II бўлим бўйича жами (сатр. 580 - 670)                                                                | 720       | 81 182 546,50        | 107 500 586,82        |

► (Давоми 7-бетда)

| III. Мажбуриятлар                                                                                                                                               |      |                |                |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------|----------------|----------------|
| Узоқ муддатли мажбуриятлар, жами (сатр. 740 + 750 + 850 + 860 + 870 + 880 + 890 + 900 + 910 + 920)                                                              | 730  | 0,00           | 0,00           |
| шудан: узоқ муддатли кредиторлик қарзлари (сатр. 740 + 760 + 770 + 780 + 790 + 800 + 820 + 830 + 850 + 870 + 890 + 920)                                         | 731  | 0,00           | 0,00           |
| Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга узоқ муддатли қарз (7010, 7020)                                                                                         | 740  |                |                |
| Суғурта операциялари бўйича узоқ муддатли мажбуриятлар, жами (сатр. 760 + 770 + 780 + 790 + 800 + 810 + 820 + 830)                                              | 750  | 0,00           | 0,00           |
| Огоҳлантириш чора -тадбирларини амалга оширувчи пудратчиларга узоқ муддатли қарзлар (7011)                                                                      | 760  |                |                |
| Суғурта қилдирувчиларга узоқ муддатли қарзлар (7030)                                                                                                            | 770  |                |                |
| Суғурта агентлари ва брокерларига узоқ муддатли қарзлар (7040)                                                                                                  | 780  |                |                |
| Қайта суғурта қилдирувчиларга узоқ муддатли қарзлар (7050)                                                                                                      | 790  |                |                |
| Қайта суғурталовчиларга узоқ муддатли қарзлар (7060)                                                                                                            | 800  |                |                |
| Қайта суғурталовчиларнинг депо мукофотлари (7070)                                                                                                               | 810  |                |                |
| Қайта суғурта қилдирувчиларга комисион мукофотлар, танъема ва бошқа мукофотлар бўйича узоқ муддатли қарзлар (7080)                                              | 820  |                |                |
| Актуарийлар, аджастерлар, сюрвейерлар ва ассистансларга узоқ муддатли қарзлар (7090)                                                                            | 830  |                |                |
| Алоҳида бўлинмаларга узоқ муддатли қарз (7110)                                                                                                                  | 840  |                |                |
| Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларга узоқ муддатли қарз (7120)                                                                                                    | 850  |                |                |
| Узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар (7210, 7220, 7230)                                                                                                       | 860  |                |                |
| Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар (7240)                                                                         | 870  |                |                |
| Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар (7250, 7290)                                                                                                     | 880  |                |                |
| Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бунақлар (7300)                                                                                                           | 890  |                |                |
| Узоқ муддатли банк кредитлари (7810)                                                                                                                            | 900  |                |                |
| Узоқ муддатли қарзлар (7820, 7830, 7840)                                                                                                                        | 910  |                |                |
| Бошқа узоқ муддатли кредиторлик қарзлар (7900)                                                                                                                  | 920  |                |                |
| Жорий мажбуриятлар, жами (сатр. 940 + 950 + 1050 + 1060 + 1070 + 1080 + 1090 +1100 + 1110 + 1120 + 1130 + 1140 + 1150 + 1160 + 1170 + 1180)                     | 930  | 6 794 365,24   | 7 880 483,82   |
| шу жумладан: жорий кредиторлик қарзлари сатр. (940 + 960 + 970 + 980 + 990 + 1000 + 1020 + 1030 + 1050 + 1070 + 1090 + 1100 + 1110 + 1120 + 1130 + 1140 + 1180) | 931  | 6 791 945,84   | 7 880 483,82   |
| шундан: муддати ўтган жорий кредиторлик қарзлари                                                                                                                | 932  |                |                |
| Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз (6010, 6020)                                                                                                       | 940  | 66 275,80      | 325 062,44     |
| Суғурта операциялари бўйича мажбуриятлар, жами (сатр. 960 + 970 + 980 + 990 + 1000 + 1010 + 1020 + 1030)                                                        | 950  | 1 297 037,47   | 6 221 507,97   |
| Огоҳлантириш чора -тадбирларини амалга оширувчи пудратчиларга қарзлар (6011)                                                                                    | 960  |                |                |
| Суғурта қилдирувчиларга қарзлар (6030)                                                                                                                          | 970  | 895 770,39     | 1 697 280,66   |
| Суғурта агентлари ва брокерларига қарзлар (6040)                                                                                                                | 980  | 349 521,44     | 512 222,03     |
| Қайта суғурта қилдирувчиларга қарзлар (6050)                                                                                                                    | 990  |                |                |
| Қайта суғурталовчиларга қарзлар (6060)                                                                                                                          | 1000 | 49 180,02      | 4 009 436,42   |
